

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИНАЗАРОВ ХАСАНБАЙ ХОЛИКНАЗАРОВИЧ

ФАРГОНА ВОДИЙСИ СУВ ҲАВЗАЛАРИ ЗООПЛАНКТОНИ

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдиназаров Хасанбой Холиқназарович Фарғона водийси сув ҳавзалари зоопланктони.....	3
Абдиназаров Хасанбой Холиқназарович Зоопланктон водоёмов Ферганской долины.....	19
Abdinazarov Khasanbay Kholiknazarovich Zooplankton of Fergana valley's water bodies	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	38

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДИНАЗАРОВ ХАСАНБАЙ ХОЛИКНАЗАРОВИЧ

ФАРГОНА ВОДИЙСИ СУВ ҲАВЗАЛАРИ ЗООПЛАНКТОНИ

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/B104 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий уиверситетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.flora-fauna.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим иорталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирабдуллаев Искандар Мирбатирович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Иззатуллаев Зувайдулло Иззатуллаевич
биология фанлари доктори, профессор

Кучбоев Абдурахим Эргашевич
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат унверситети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 29.08.2017.В.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «28» февраль куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 2326-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: info-zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 2326 уй, Тел.: (+99871)289-04-65.

Диссертация автореферати 2018 йил «17» февраль куни тарқатилди.
(2018 йил «17» февралдаги 11 рақамли реестр баённомаси)


Д.А. Азимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор, академик


Г.С. Мирзаева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, б.ф.н.,
катта илмий ходим


З.Б. Шакарбоев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котибидаги илмий
семинар раиси, б.ф.д.



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда аҳоли сонининг тез суръатларда ошиб бориши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган талабнинг ҳам тобора ўсишига олиб келмоқда. Куруклик ҳавзасида сув ресурсларининг чекланганлиги ва айниқса балиқлар учун озиқа базасининг тақчиллиги мавжуд табиий ва сунъий сув ҳавзаларидаги зоопланктон организмларга балиқчилик тармоғи учун самарадор озуқа базаси сифатида қарашни талаб этади. Шунга кўра, сув ҳавзалари зоопланктон организмларни балиқларнинг табиий озуқаси сифатида фойдаланиш истикболларини баҳолаш ва сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардандир.

Жаҳонда товар балиқларини етиштиришда гидробионтларнинг асосий қисмини ташкил этувчи зоопланктон организмлар хилма-хиллигини аниқлаш ва уларнинг иқтисодий аҳамиятга эга турларини саноатга жалб этишга қаратилган. Балиқ човоқлари озуқасини 85-90%, вояга етган балиқлар озуқасини 40-45% зоопланктон организмларидан иборат эканлиги уларни турли ҳудуд сув ҳавзаларида балиқчиликни ривожлантиришдаги имкониятларини асослаш ва интенсив ишлаб чиқаришга жорий этишни белгилаб беради. Шу билан биргаликда, зоопланктон организмлар ва уларни турли биотопларда тарқалиши, хилма-хиллиги, фойдали биомассаси динамикасининг мавсумий ўзгарувчанлиги зоопланктон организмларни йирик табиий-географик ҳудуд сув ҳавзаларидаги турлар хилма-хиллиги ва улардан фойдаланиш истикболларини баҳолашни талаб этади. Шунга кўра, Фарғона водийси турли типдаги сув ҳавзаларида зоопланктон организмларнинг турлар таркиби ва уларни биотопларда тарқалишини аниқлаш, сифат ва миқдор жиҳатидан мавсумий ривожланиш динамикасини асослаш ва зоопланктон организмларни балиқчилик ишлаб чиқаришига жалб этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда Республикамизда балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан тақомиллаштириш, аҳолини сифатли балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш учун балиқчилик тармоқларини ривожлантириш, наслчилик ишини тақомиллаштириш, уларда етиштирилаётган маҳсулотларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада, жумладан, товар балиқларини етиштириш, кўпайтириш ва уларни қайта ишлаш ҳажмини ошириш, балиқ етиштиришнинг замонавий усулларини жорий этишда муҳим натижаларга эришилди. Шу билан биргаликда, балиқчилик тармоғининг озуқа базасини ривожлантириш ва бунда балиқчилик хўжалиқларини табиий, арзон ва юқори сифатли озуқа билан таъминлаш учун табиий ва сунъий сув ҳавзалари зоопланктон организмларнинг биологик имкониятларидан фойдаланиш ва улар асосида сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш бўйича илмий асосланган натижалар талаб этилмоқда. Балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини

мустаҳкамлаш чора-тадбирларида «... баликчилик тармоғи озука базасини тизимли асосда мустаҳкамлаш, баликчилик хўжаликлари ва ташкилотларини юқори сифатли озука билан барқарор таъминлаш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан холда, Фарғона водийси табиий ва сунъий сув хавзаларидаги зоопланктон организмларни аниқлаш, уларнинг сув хавзаларидаги мавсумий ўзгарувчанлиги ва сув экотизимидаги аҳамиятини баҳолаш, зоопланктон организмлардан балиқларнинг табиий озукаси сифатида фойдаланиш ва улар асосида сув хавзалари маҳсулдорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939 сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 719-сон «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва баликчилик тармоқларининг озука базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларида тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув хавзалари маҳсулдорлигини ошириш, зоопланктон организмларнинг сифат ва микдорини баҳолаш бўйича тадқиқот ишлари хорижлик олимлар J.A. Benzie (2006), J.M. Boberts (2009), Ch. Farwell (2014), Sinjae Yoo (2015), M. Povlov (2016), A.E. Friederike (2016) томонидан олиб борилган. МДХ мамлакатларида зоопланктон организмларнинг морфо-экологик хусусиятлари ва мавсумий сукцессиясини аниқлашга оид тадқиқотлар В.Р. Алексеев (1995), Н.М. Каровчинский (2004), Н.В. Карташева (2006) тадқиқотларида ёритилган.

Ўзбекистонда гидробиологик тадқиқотлар йўналишида мамлакатимиз олимлари А.М. Мухамедиев (1967, 1986), Э.А. Тошпўлатов (1975), И.М. Мирабдуллаев (1990, 1992), А.Р. Кузметовлар (1999) томонидан турли типдаги сув экотизимларида зоопланктон организмларнинг таксономияси, тарқалиши, экологик хусусиятлари ва балиқчилик сув хавзалари озука

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва баликчилик тармоқларининг озука базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларида тўғрисида»ги қарори.

маҳсулдорлигини оширишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилган.

Бирок, юқоридаги тадқиқотлар Фарғона водийси сув ҳавзалари зоопланктон организмларнинг ҳозирги ҳолати ва балиқларнинг озуқа ресурслари сифатида баҳолаш бўйича етарли маълумотларни бера олмайди. Шунга қўра, Фарғона водийси сув ҳавзалари зоопланктон организмларнинг тур таркиби, морфо-экологик хусусиятлари, сифат ва микдор жихатидан ривожланиши, мавсумий сукцессиясини аниқлаш, уларнинг сув экотизимидаги аҳамиятини баҳолаш ҳамда сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университети Зоология кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистон хайвонот олами биохилма-хиллиги ва уни сақлаш муаммолари” мавзуси доирасида ҳамда Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг ҚХА-6-002-2015 “Ўзбекистон балиқчилиги хўжалиқларида ҳавза ҳосилдорлигини ошириш мақсадида карп балиғини поликультурада етиштириш технологиясини оптималлаштириш” (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона водийси сув ҳавзалари зоопланктон организмларнинг тур таркиби, морфо-экологик хусусиятлари, сифат ва микдор жихатидан ривожланишини аниқлаш ҳамда сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фарғона водийси турли типдаги сув ҳавзаларида зоопланктон организмларнинг турлар таркибини аниқлаш ва уларнинг тарқалишини баҳолаш;

зоопланктон организмларнинг морфо-экологик хусусиятлари, тузилишини, ҳамда шохдор муйловли (*Cladocera*) ва эшқак оёқли қисқичбақасимонларни (*Sopropoda*) идентификациялаш қийин бўлган турлари учун аниқлагичларини тузиш;

зоопланктон организмларнинг сифат ва микдор жихатидан мавсумий ривожланиш динамикасини аниқлаш;

зоопланктон организмларнинг мавсумий сукцессиясини аниқлаш, уларнинг сув ҳавзаларидаги аҳамиятини баҳолаш;

зоопланктон организмлардан балиқларнинг табиий озуқаси сифатида фойдаланиш ҳамда сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти зоопланктон организмлар – *Rotifera*, *Cladocera*, *Sopropoda* лар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Зоопланктон организмларнинг таксономик таҳлили, тарқалиши, уларнинг сифат ва микдор жихатидан ривожланиш

динамикасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гидробиологик, экологик ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Фарғона водийси сув ҳавзалари учун зоопланктон организмларнинг 133 турдан иборатлиги аниқланган ва шулардан 27 тури ҳудуд учун, 5 таси Ўзбекистон фаунаси учун янги тур эканлиги аниқланган;

шоҳдор муйловли (*Cladocera*) ва эшкак оёкли қисқичбақасимонларнинг (*Copepoda*) *Diaphanosoma*, *Daphnia*, *Moina* ва *Mesocyclops* авлод турларини идентификациялаш кийин бўлган турларини аниқлаш учун аниқлагичлар яратилган;

зоопланктон организмларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан ривожланиш динамикаси ҳамда мавсумий сукцессияси аниқланган ва уларнинг сув экотизимидаги аҳамияти баҳоланган;

балиқчилик хўжалиқларида зоопланктон организмларни табиий ҳолда кўпайтириб, балиқ чавокларини озиклантириш эвазига уларнинг яшовчанлигини ошириши исботланган;

зоопланктон организмлардан сув экотизимларида биоиндикатор сифатида ва сув ҳавзаларини экологик мониторинг қилишда фойдаланиш йўллари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Фарғона водийси сув ҳавзалари зоопланктон организмларидан балиқлар учун табиий озуқа сифатида фойдаланиш ва товар балиқлари маҳсулдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар балиқчилик хўжалиқларига жорий этилган;

балиқчилик хўжалиқларида зоопланктон организмларни табиий ҳолда кўпайтириб, балиқ чавокларини озиклантириш эвазига балиқ чавокларининг яшовчанлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилган ва амалиётда фойдаланилган;

зоопланктон организмлардан сув экотизимларида биоиндикатор сифатида ва сув ҳавзаларини экологик мониторинг қилишда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усулларнинг қўлланилганлиги, гидробиологик тажриба усуллар ёрдамида олинган натижалар назарий маълумотларга мос келиши, морфо-диагностик маълумотлар замонавий статистик дастурлар асосида Biostat-3.7 дастурида таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, амалий натижаларнинг вақолатли давлат тузилмалари томондан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Фарғона водийси турли типдаги сув ҳавзалари учун зоопланктон организмлари турлари таркибининг аниқланганлиги, уларнинг тарқалиши, мавсумий ривожланиш динамикаси ва

сукцессиясининг очиб берилганлиги билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти зоопланктон организмлардан балиқларнинг табиий озукаси сифатида фойдаланиш йўллари балиқчилик хўжаликларида ховузлардаги балиқлар маҳсулдорлигини кўпайтиришга ҳамда балиқ чавокларини зоопланктонлар орқали озиклантириш эвазига уларнинг яшовчанлигини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона водийси сув хавзалари зоопланктон организмларни тадқиқ қилиш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

балиқчилик хўжалиги сув хавзалари зоопланктон организмларидан балиқларнинг табиий озукаси сифатида фойдаланиш ва ховузларнинг товар балиқлари маҳсулдорлигини ошириш йўллари Фарғона ва Наманган вилоятлари балиқчилик хўжаликлари амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 12 декабрдаги 02/12-631-сон маълумотномаси). Натижада балиқчилик хўжаликларида товар балиқлари маҳсулдорлигини 8-10% ошириш имконини берган;

зоопланктон организмларни ялпи кўпайтириш асосида балиқ чавокларининг яшовчанлигини ошириш усуллари “Фарғонабалиқсаноат”, “Наманганбалиқсаноат” МЧЖ тасарруфидаги балиқчилик хўжаликларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг 2017 йил 30 октябрдаги 08/120-сон маълумотномаси). Натижада балиқчилик хўжаликларида етиштириладиган балиқ чавоклари вазнини 17%, яшовчанлигини 10% ошириш имконини берган;

зоопланктон организмлардан сув хавзаларининг биоиндикатори сифатида фойдаланиш йўллари Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари сув хавзаларининг экологик мониторингини амалга оширишга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2017 йил 15 декабрдаги 01/12-01-855-сон маълумотномаси). Натижада табиий ва сунъий сув хавзаларининг органик ифлосланишини аниқлаш ва санитария ҳолатини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та республика ва 7 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шулардан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги, мақсад ва вазифалари асосланади, объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг республикамиз фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар очиб берилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистоннинг турли типдаги сув хавзаларида зоопланктон организмларни ўрганганлик даражаси”** номли биринчи бобида дунё ва мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларга асосланган маълумотлар ақс этган.

Биринчи бўлимда Фарғона водийси сув хавзалари зоопланктон организмларни ўрганишга бағишланган. Фарғона водийси сув хавзалари зоопланктон организмларнинг фаунаси ва экологияси тўғрисида ҳамда адабиёт маълумотлари қисқача таҳлил қилинган ва таърифлаб берилган. Кенг кўламли таҳлиллар асосида олинган асосий натижалар ва ҳозиргача олиб борилган изланишларнинг натижалари тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Иккинчи бўлимида сўнги йилларда дунё ва мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларга асосланган маълумотлар ақс этган.

Учинчи бўлимида зоопланктон организмларни ўрганишнинг тадқиқот усуллари ва намуналар йиғилган жойлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот ишида, 2009-2017 йиллар давомида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари турли типдаги сув хавзалари зоопланктон организмлари бўйича йиғилган хусусий намуналарни олиш ва ишлов бериш ҳақида методик ёндашуви баён қилинган.

Диссертациянинг **“Фарғона водийси сув хавзалари зоопланктон организмларнинг таксономик ҳилма-ҳиллиги”** деб номланган иккинчи бобида, Фарғона водийси сув хавзалари зоопланктон организмларнинг турли-туманлиги, экологияси ва систематикаси ҳақида маълумотлар келтирилган. Зоопланктон организмларни ўрганиш натижасида 133 тур қайд қилинган. Улардан 56 тури Rotifera (оғизайлангичлилар), 49 таси – Cladocera (шоҳдормўйловли қисқичбақасимонлар) ва 28 таси Copepoda (эшкакоёкли қисқичбақасимонлар)дан ташкил топганлиги келтирилган диссертацияда турларнинг тўлиқ рўйхати берилган (1-жадвал).

Биринчи бўлимида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасига кўра Фарғона водийсида олиб борган тадқиқотлар натижасида сув хавзаларида 56 турлар таркиби келтирилган.

Фарғона водийси сув ҳавзаларидаги зоопланктон организмларнинг тур таркиби (2009-2017 йй)


№	Гуруҳ	Оилалар	Турлар сони				
			Адабиёт маълумотлари бўйича	Тадқиқот натижалари бўйича	Янги турлар		Адабиёт ва тадқиқот натижалари бўйича
					Фарғона водийси учун	Ўзбекистон фаунаси учун	
1.	Rotifera	Asplanchnidae	4	2			4
		Brachionidae	17	17	2		19
		Notommatidae	1	2		1	2
		Epiphanidae	1				1
		Euchlanidae	5	2			5
		Mytilinidae	4	4			4
		Lecanidae	12	14	4	2	18
		Lepadellidae	2	4	3		5
		Trochosphaeridae	5	2			5
		Trichotriidae	2	2			2
		Gastropodidae	1				1
		Synchaetidae	3	3			3
		Proalidae		1		1	1
		Testudinellidae	3	2		1	4
		Hexarthridae	2	1			2
2.	Cladocera	Sididae	4	5	3		7
		Daphnidae	13	12	4		17
		Moinidae	3	6	4		7
		Macrothricidae	10	5			10
		Ilyocryptidae	2	1			2
		Chydoridae	28	19			28
		Bosminidae	1	1			1
3.	Copepoda	Cyclopidae	30	25	6		36
		Diaptomidae	1	2	1		2
		Harpacticidae	1	1			1
Жами		25	155	133	27	5	187

Оғизайлангичлиларнинг 2 та авлоди (*Proalides* Beauchamp, 1907; *Sinantherina* Bory de St. Vinsent, 1826) Ўзбекистон фаунаси учун янги эканлиги аниқланган. Ундан ташқари, Фарғона водийси сув ҳавзалари учун янги 14 Оғизайлангичлилар (Rotifera) турини аниқлашга эришилди.

Улар – *Brachionus budapestinensis*, *Brachionus leydigii*, *Lecane stenroosi*, *Lecane punctata*, *Lecane thalera*, *Lecane lamellata*, *Lepadella ehrenbergii*, *Colurella obtusa*, *Colurella adriatica*. Ўзбекистон фаунаси учун янги бўлган оғизайлангичлиларни (Rotifera) 5 та тури *Proalides tentaculatus*, *Sinantherina socialis*, *Lecane arcuata*, *Lecane hastata*, *Testudinella elliptica* аниқланган (1-расм).

Иккинчи бўлимида Фарғона водийси сув ҳавзаларидаги шохдормўйловли кискичбақасимонларнинг 7 оила ва 25 авлодга мансуб 49 турдан иборат эканлиги кайд килинди. Шохдормўйловли кискичбақасимонлар таҳлил килиниб, уларнинг 11 тури *Diaphanosoma dubium*, *D. mongolianum*, *D. macrophthalma*, *Daphnia magna*, *D. galeata*, *Simocephalus heilongjiangensis*, *Megafenestra aurita*, *Moina brachiata*, *M. lipini*, *M. mukhamedievi*, *M. weismanni* турлари Фарғона водийси сув ҳавзалари учун

илк бор келтирилган. Диссертация ишида Ўзбекистон фаунаси учун *Daphnia*, *Moina* ва *Diaphanosoma* авлоди турларининг аниқлагичлари ишлаб чиқилган.



1-расм. Ўзбекистон фаунаси учун янги оғизайлангичлилар (коловратка) турлари.
1-*Lecane arcuata*; 2-*Lecane hastata*; 3-*Proalides tentaculatus*;
4-*Sinantherina socialis*; 5-*Testudinella elliptica*.

Учинчи бўлимда Фарғона водийси сув хавзалари фаунаси учун циклопларнинг 28 та турлари аниқланди. 7 та турлар-*Acanthocyclops trajani*, *Metacyclops minutus*, *M. aspericornis*, *M. ogunnus*, *Thermocyclops taihokuensis*, *Th. dybowski*, *Phyllodiptomus blanci* ушбу ҳудуд учун янги тур эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон фаунасидаги *Calanoida*, *Cyclops*, *Mesocyclops*, *Acanthocyclops* авлодга кирувчи турларининг ва Cyclopidae оиласи кенжа синфлари учун аниқлагичлари ишлаб чиқилди.

Ишда Ўзбекистон ва Фарғона вилояти учун топилган зоопланктон организмларнинг янги турларнинг қисқача таърифи берилган ва расмлари келтирилган.


Бир қатор коловраткалар ва қисқичбақасимонларнинг турлари ва авлодларининг таксономик статуси ҳозирги замон зоологик систематикасига мос қилиб ўзгартирилди. Қисқичбақасимонларнинг Марказий Осиё учун аввал маълум бўлган айрим турларнинг таксономик ўрни аниқлаштирилиши натижасида, *Daphnia carinata* ўрнига *Daphnia similis*; *Ceriodaphnia reticulata* ўрнига *Ceriodaphnia turkestanica*; *Thermocyclops asiaticus* ўрнига *Thermocyclops vermifer*; *Mesocyclops leuckarti* var. *pilosus* ўрнига *Mesocyclops aspericornis* қилиб ўзгартирилди.

Диссертациянинг “**Фарғона водийси сув хавзалари зоопланктон организмларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан ривожланиши**” деб номланган учинчи бобида аниқланган зоопланктон организмларнинг биомассаси, миқдори, тарқалиш хусусиятлари ва турлар таркиби келтирилган. Бунда Варзик, Каркидон, Чортоқ, Эскиер, Кўрғонтепа, Резаксой сув омборлари, Сарикамиш, Тўда, Еттиқўл, Минбулоқ, Абдусамат, Қолгандарё кўллари, Бешариқ ва Навбахор балиқчилик хўжалиги, шилипоярлар, вақтинчалик сув хавзалари зоопланктон организмларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари кўрсатилган.

Каркидон сув омбори йил давомида текширилди. У тоғ олди сув омбори бўлишига қарамадан иссиқ сувли сув омбори ҳисобланади. Шунинг

учун ундаги зоопланктон хилма-хиллиги бошқа сув омборларига нисбатан юкори кўрсаткичга эга. Ушбу сув омборда 13 та тур зоопланктон (4 тур Rotifera, 4 тур Cladocera ва 5 тур Соперода лар) аниқланди. Деярли барча намуналарда *Asplanchna priodonta*, *Daphnia galeata*, *Cyclops vicinus* турлари қайт этилди. Баҳор мавсумида *Keratella cochlearis*, *Moina micrura*, баҳор ва кузда *Polyarthra longiremis* ва *Synchaeta pectinata*, кузда эса *Macrothrix odiosa* ва *Eucyclops serrulatus* учради. *Bosmina longirostris* ва *Thermocyclops vermifer* турлар эса баҳор, ёз ва куз фаслларида учраши кузатилди.

Зоопланктоннинг миқдори ва биомассаси узлуксиз март ойидан бошлаб ёзгача ошиб борди, кейин эса октябрь ойига қараб бир текис камайиб борди. Лекин миқдор кўрсаткичининг максимуми июнь ойига тўғри келган бўлса, биомассанинг максимуми июль ва август ойларига тўғри келади (2–расм).




2-расм. Фарғона водийси сув хавзалари зоопланктон организмларнинг а-миқдор кўрсаткичи (минг дона/м³), б-биомассаси (г/м³).

Сарикамиш кўли зоопланктон турларини ва мавсумлар бўйича миқдорий динамикасини ўзгаришини апрел ойидан бошлаб октябргача кузатиб бордик. Жами 35 та тур планктон организмлари аниқланиб, уларнинг 17 тур Rotifera, лар, 10 та тур Cladocera, ва 8 тур Соперода лар эканлиги қайт этилди. Ушбу кўлда зоопланктон организмларнинг миқдори ёз мавсумида кўпаяди, унинг миқдор кўрсаткичи июлда 230-311 миңг дона/м³, биомассаси эса – 3,12-3,85 г/м³ га етади. Зоопланктоннинг максимал ривожланиши август ойларига тўғри келади (2-расм).

Бешариқ балиқчилик хўжалиги олинган натижалар асосида 78 та планктон турларини аниқланди. Уларданнинг 40 таси Rotifera, 23 таси Cladocera ва 15 таси Соперода эканлиги кузатилди. Бешариқ балиқчилик ҳовузларида зоопланктонни мавсумий миқдори баҳорда (март ойи) юкори бўлди (ўртача 287 миңг дона/м³), лекин биомасса миқдорига нисбатан паст бўлиб, 0,86 г/м³ ни ташкил этди (3 – расм).

Зоопланктоннинг умумий таркиби бўйича кўриб чиқилганда баҳор ойларини “rotifera лар ойи” деса бўлади. Чунки бу пайтда оғизайлангичлиларнинг (Rotifera) майда формалари кўпайиб кетди. Кейинчалик эса қисқичбақасимонлар, асосан шохмўйловдорлар доминант ҳолда устинлик қилади. Ёзнинг ўрталарига келиб қисқичбақасимонлар камайиб кетди ва улар ўрнини оғизайлангичлилар (Rotifera) эгаллай бошлади. Бундай қайта қуриш жараёнининг асосий сабаби балиқлар томонидан нисбатан йирик қисқичбақаларни истеъмол қилиниши натижасида фитопланктонларнинг сонини ўзгаришини боғлиқлиги аниқланган.

Шолипоялар зоопланктон организмларнинг миқдор кўрсаткичи май ойида (кейинчалик 4 та шолипоянинг ўртачаси) (24 минг дона/м³, биомасса – 1,3 г/м³) бўлди. Июнь ойида миқдорий кўрсаткич 75 минг дона/м³, биомасса эса – 4,4 г/м³ кўтарилиши кузатилди (3-расм).



3-расм. Фарғона водийси сув ҳавзалари зоопланктон организмларнинг а-миқдор кўрсаткичи (минг дона/м³), б-биомассаси (г/м³).

Июль ойида эса ушбу кўрсаткичлар кўтарилиб 328 минг дона/м³, биомассаси - 6,0 г/м³ етиб борди. Лекин зоопланктон организмларнинг максимал миқдори (604 минг дона/м³, биомассаси - 7,1 г/м³) август ойида кузатилди. Сентябрдан бошлаб миқдор ва биомасса кўрсаткичлари пасайиб боради (303 минг дона/м³) ва биомассаси – 3,2 г/м³) (3-расм). Йил фаслларининг тадқиқот олиб борган барча ойлари бўйича ҳам миқдор ва биомасса жиҳатидан *Soropoda* лар (эшкакоёқли қисқичбақасимонлар) ва уларнинг науплиуслари ҳамда копеподит босқичидагилар ҳисобига устунликка эга эканлиги кузатилди.

Вақтинчалик сув ҳавзалари зоопланктон организмларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан ривожланиши ўрганишда йилнинг турли мавсумларида намуналар олинди ва зоопланктоннинг доминант турларни мавсумий

динамикасини кузатилди. Ушбу сув ҳавзаларидан 20 та тур зоопланктон организмлар (12 та тур Rotiferалар ва 4 та тур Cladocera ва 4 та тур Copepoda) аниқланди. Йилнинг ҳамма мавсумларида Cladocera лардан доминант тур сифатида *Daphnia curvirostris* учради. Ушбу тур аниқлагичларда органик моддалар билан ифлосланган сув ҳавзаларида учраши кайд этилган. Май-июн ойларида *Chydorus sphaericus* турининг ўта кўпайиб кетиши кузатилди. Март-май ва октябрь-ноябрь ойларида планктонларнинг асосий қисмини “совук севар тур” *Cyclops vicinus* эгаллаб олганлиги аниқланди.

Rotifera ларнинг баҳорги турлар сифатида *Brachionus leydigii* ва *Filinia longiseta*, ёз ва куз фасллари учун эса *Asplanchna sieboldi*, *Keratella cochlearis* ва *Brachionus urceolaris* каби вакиллари доминант эканлиги кузатилди.

Диссертациянинг **“Фарғона водийси сув ҳавзалари зоопланктон организмларнинг мавсумий сукцессияси ва уларнинг баликлар озикланишидаги аҳамияти”** деб номланган тўртинчи бобида Фарғона водийсидаги турли типдаги сув ҳавзалари зоопланктон организмларнинг мавсумий сукцессиясига оид ҳамда баликчилик хўжаликларида ўтказилган тадқиқотлар ва зоопланктон организмларни махсус кичик сув ҳавзаларда кўпайтириш натижаси асосида олинган маълумотлар келтирилган.

Бу бўлимда турли типдаги сув ҳавзалари зоопланктон организмларнинг мавсумий сукцессияси жумладан, зоопланктонларнинг тур таркиби ва уларнинг микродорий ривожланиши кўплаб биотик ва абиотик омилларга боғликлиги, планктон организмларнинг эмбрионал ривожланиш даврийлиги ўсиш суръати, жинсий вояга етиши, ҳаётининг давомийлиги, шунингдек, организмлар сонининг ўзгариши, сув ҳавзасининг ҳарорати, ёруғлиги, йирткичлар ва мавжуд озукка захирасига боғлиқ бўлган зоопланктонларнинг вертикал кунлик миграцияси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Оғизайлангичлилар (Rotifera) сув ҳавзалари планктонларининг нисбатан кўп сонли гуруҳи, одатда планктонлар умумий сонининг 60-90% ини ташкил қилиши тақдирланган. Кузда зоопланктонлар сони ва биомассаси камлиги кузатилиб, уларнинг асосий қисмини ривожланишининг копеподит босқичидаги циклоплар ташкил қилади. Баҳорда оғизайлангичларнинг совук севувчи *Kellicottia*, *Notholca*, *Polyarthra* оила вакиллари учратиш мумкин, ёзда эса *Keratella*, *Brachionus*, *Filinia*, *Asplanchna*, *Euchlanis*, *Lecane* оила вакиллари ва бошқа баъзи турлар билан алмашинади. Органик ифлосланишнинг мавжудлиги оғизайлангичларнинг *Euchlanis*, *Brachionus*, *Keratella*, *Rotaria* оила вакиллари ва бошқа турларнинг ривожланишига имкон беради. Шохдор мўйловлилар (Cladocera) ёз даврида тур таркиби ва сон жиҳатдан максимал даражага эришади. Сув ҳавзаларининг чекка қирғоқолди ва ўсимликлар копланган қисмларида эса *Ceriodaphnia*, *Daphnia*, *Moina*, *Scapholeberis*, *Polyphemus* *Chydorus*, *Bosmina* оиласининг қирғоқ бўйи ва тўқай вакиллари учратиш мумкин. Йирткич кладоцералардан *Leptodora kindtii* Focke кўл планктонлари таркибида ёзнинг бошида пайдо бўлиб, сутка давомида вертикал кўчиб юради, эрталаб ва кундузи сув тубида бўлиб кечкурун сувнинг юқорисига кўтарилади.

Эшқакоеклилар – (Copepoda) кишки зоопланктонларнинг нисбатан типик вакиллари (циклоплар, диаптомуслар) науплиал ва копепод шаклларда намоён бўлади. Copepoda ларни сув ҳавзаларининг барча зоналарида учратиш мумкин. Баҳор – ёз мавсумига хос эшқак оёклилар Cyclopoidea бўлиб уларнинг: пелагик формаси *Mesocyclops leuckarti* Claus ва *Cyclops strenuus* Fischer, сув туби формаси *Acanthocyclops vernalis* Fischer, *Megacyclops viridis* Jurine, ва ўсимликлар қопланган қисмларида яшовчи формалари *Eucyclops serrulatus* Fischer, *Macrocyclus albidus* Jurine, *Microcyclus varicans* Sars ва бошқалар фарқланади.

Бобнинг иккинчи бўлимида балиқчилик ҳавузларидаги зоопланктон организмлар ва уларнинг балиқлар озикланишидаги ахамияти унинг озук базасини ривожлантиришда товар балиқларни етиштирувчи хўжаликларида табиий озук базасини кўпайтиришга қаратилган. Зоопланктон организмлар балиқларнинг дастлабки чавок даврида балиқлар учун физиологик ва энергетик хусусиятларига эга бўлган биологик моддалар жамланган бўлиб, шунинг учун ҳам боқиладиган балиқларнинг ривожланишига қаратилган.

Олиб бориладиган тажриба асосида балиқчилик хўжаликларидаги балиқлар ўстириладиган ҳавзаларнинг оптимал харорати 17-25⁰С атрофида сувнинг харорати 20-23⁰С бўлганда *Daphnia magna* ва *Daphnia pulex* каби организмлар учун қилинган шароит эканлиги аниқланди. *Moina macrocopa*, *M. rectirostris* каби турлар учун эса харорат оптимум 25-28⁰С эканлиги кузатилди. Албатта зоопланктон организмлардан шохдормўйловли қисқичбақасимонлар кўпайиши қаратилган. Бу ишларимизда сунъий сув ҳавзаларда балиқ боқишдан олдин табиий озук базасини ривожлантириш орқали чавокларнинг яшаб қолиши ва ўсиши асосий вазифамиздан бири ҳисобланади.

Балиқчилик хўжаликларидаги ҳовузларида зоопланктон организмларнинг мавсумий миқдор ўзгаришини баҳорда (апрель ойи) зоопланктонларнинг миқдори жуда юқори бўлди (ўртача 287 минг дона/м³), лекин биомассанинг миқдorigа нисбатан паст бўлиб, 0,86 г/м³ ни ташкил этди. Бу пайтда асосан Rotifera лар ривожланганлигини кузатилди. Айниқса ҳовузда зоопланктонларнинг миқдори жуда юқори бўлиб, 1219 минг дона/м³, биомасса эса 0,42 г/м³ ни ташкил этиб булар эса дастлаб балиқ човоклари озук сифатида истемол қилади. Апрель-май ойларида миқдорий кўрсаткичнинг энг юқори даражаси кузатилди. Бу пайтда *Daphnia magna*, *Daphnia curvirostris*, *Daphnia galeata*, *Ceriodaphnia turkestanica*, *Moina brachiata*, *Moina weissm* каби турлар авж олиб ривожланиши ҳисобига зоопланктоннинг миқдори 137-200 минг дона/м³ га биомасса эса 2,7-5,1 г/м³ га атрофида бўлди.

Шохмўйловдор қисқичбақасимонларнинг миқдори 4,5 минг дона/м³, биомассаси эса 3,7 г/м³ ни ташкил этди. Ушбу ҳовузда май ойида доминант формалар эшқакоекли қисқичбақасимонлар бўлиб, уларнинг миқдори *Acanthocyclops trajani*, *Eucyclops serrulatus* турларининг ёппасига ривожланиши ҳисобига 100 минг дона/м³ни, биомассаси эса – 5,1 г/м³ни ташкил этди. Сўнгра кун сайин зоопланктоннинг миқдори тўхтовсиз пасайиб

борди. Бунга сабаб балиқ чавоклари давстабки биринчи ва иккичи ой фақат зоопланктон организмлар билан озикланиш сўнгра эса озиқа хилма-хил озиқага ўтиши куриш мумкун.

Балиқчилик хўжалиklarини мавсумлар бўйича бир неча ховузлиридаги зоопланктоннинг ривожланиши бир - биридан унчалик фарк қилмади. Ушбу ховузлирда баҳорги (апрель-май) зоопланктоннинг сифат таркибида *Notholca acuminata* турининг кўплиги билан ажралиб турди. Бу ховузлирда ёзгига нисбатан баҳорги формаларга куйидаги турлар хос эканлиги кузатилди: *Keratella cochlearis*, *Keratella quadrata*, *Cyclops vicinus*, *Daphnia magna*. Типик ёзги формаларга эса куйидаги турларни кўрсатиш мумкин *Diaphanosoma macrophthalma*, *Moina micrura*, *Moina weismanni*, *Thermocyclops rylovi*, *Mesocyclops ogunnus*, *Keratella tropica*. Ёз ойларида планктон шохмуйловдор қисқичбакасимонлар нисбатан камлиги кузатилди. Бунга сабаб балиқ чавоклари бу турларни севиб истемол килишлиги аникланди.

Тадқиқот олиб борилган хавзаларда барча тадқиқотлар давомида доминант бўлган турлар кўйидаги зоопланктон организмлардан иборат бўлди: *Brachionus quadridentatus*, *Acanthodiptomus denticornis*, *Eucyclops serrulatus*, *Thermocyclops rylovi*. Улар март ойидан бошлаб сентябргача бошка турларга нисбатан юқорилиги балиқлар учун озиқа сифатида ахамияти кўрсатилди.

Ховузлирнинг махсулдорлигини ошириш бўйича Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги балиқчилик хўжалиklarида ўтказилган тадқиқотлар натижаларида ушбу балиқчилик хўжалиklarида зоопланктон организмларни махсус кичик хавзаларда кўпайтириш натижасида балиқ чавокларининг (ок ва чипор дўнгпешона, ок амур, зоғора ва бошка) асосий вазни ёз мавсумида яъни май ойидан октябр охиригача 4-5 граммга ортиб, одатдаги 25 граммдан 29-30 граммга ортганлиги, шунингдек уларнинг бу даврда чавокларнинг яшовчанлиги одатдаги 50% дан 54-55% га ошганлиги кузатилди.

ХУЛОСАЛАР

“Фарғона водийси сув хавзалари зоопланктони” мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар такдим этилди:

1. Фарғона водийси сув хавзаларида зоопланктон организмлари 3 гуруҳ, 25 оила ва 133 турга мансуб бўлиб, Rotifera – 56, Cladocera – 49, Copepoda – 28 турни ташкил этади. Илк бор Фарғона водийси учун 27 тур, Ўзбекистон фаунаси учун 5 та (*Testudinella elliptica*, *Proalides tentaculatus*, *Sinantherina socialis*, *Lecane arcuata*, *Lecane hastata*) тур келтирилди.

2. Тоғли, совук сувли ва олиготроф типига мансуб бўлган Варзик ва Каркидон сув омборларида 14 тур зоопланктон организмларнинг 4 тури – Rotifera, 4 тури – Cladocera, 6 тури – Copepoda туркумига мансуб. Бундай омборларида зоопланктон организмларнинг хилма-хиллиги мавсумий характерга эга бўлиб, уларнинг энг кўп микдори (июнь – 290 минг дона/м³) ва биомассаси (август – 0,311 г/м³) ёз мавсумига тўғри келади.

3. Фарғона водийси кўлларида зоопланктон организмларнинг 40 тури учрайди. Кўлларда турларнинг хилма-хиллиги уларнинг чуқурлиги ва катта-кичиклигига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Йирик ва чуқур кўл бўлган Сарикамишда 19 тур Rotifera, 12 тур Cladocera ва 9 тур Соперода аниқланган бўлса, кичик ва саёз Туда кўлида 4 тур Rotifera, 4 тур Cladocera ва 3 тур Соперода туркуми вакиллари учрайди.

4. Фарғона водийси сув хавзаларида зоопланктон организмларини мавсумий аспекти бўйича 3 гуруҳ – барча мавсумларда учрайдиган турлар, баҳор ва куз ойида учрайдиган турлар ва ёзда учрайдиган турларга ажратилади.

- биринчи гуруҳ планктонда доимий учрайдиган турлар бўлиб, буларга *Asplanchna sieboldi*, *Euchlanis dilatata*, *Polyarthra vulgaris*, *Bosmina longirostris*, *Daphnia galeata*, *Ceriodaphnia turkestanica*, *Chydorus sphaericus*, *Eucyclops serrulatus*, *Thermocyclops vermifer*, *Mesocyclops oregonus*, *Acanthodiptomus denticornis* ларни киритиш мумкин.

- иккинчи гуруҳ – эрта баҳорда, айрим ҳолларда эса октябр ойларида ҳам учрайдиган турлар (*Keratella quadrata*, *Notholca acuminata*, *Cyclops vicinus*, *Thermocyclops dybowskii*) ва

- учунчи гуруҳ – йилнинг илиқ кунларида (май, сентябр) учрайдиган турлар (*Filinia longiseta*, *Keratella tropica*, *Keratella cochlearis*, *Brachionus calyciflorus*, *Scapholeberis kingi*, *Microcyclops pachyspina*).

5. Фарғона водийсининг баликчилик хўжаликларидаги ҳовузларида 78 тур зоопланктон организмлари учрайди. Уларнинг 40 тури – Rotifera, 23 тури – Cladocera ва 15 тури – Соперода туркуми турларига мансуб. Баликчилик хўжаликларида баҳор мавсумида (март ойи) зоопланктонларнинг микдорининг жуда юқорилиги (287 минг дона/ m^3), аммо биомассасининг ($0,86$ г/ m^3) паст бўлиши билан фарқланади.

6. Фарғона водийси шוליпояларида 71 тур зоопланктонларнинг 20 тури – Rotifera, 29 тури – Cladocera ва 22 тури – Соперода туркуми вакиллари дан иборат. Шוליпояларда зоопланктонлар кулай шарт-шароит ҳисобига юқори биомассага ($7,1$ г/ m^3) ҳосил қилади. Шוליпояларида баликчилик хўжаликларидаги ҳовузларида қараганда зоопланктонларнинг микдори ($3,2\%$) ва биомассасини ($1,4\%$) юқорилигини ҳисобга олиб, балик човокларини боқиш юқори самара беради.

8. Фарғона водийси сув омборлари, кўллари, ҳовузлари ва бошқа сув объектлари зоопланктон организмлари кўл-дарё, чучук ва шўр сувли кенг экологик валентликка эга турлардан ташкил топган. Улар тур таркибининг ўзгариши сукцессив характерга эга. Ёзда барча сув хавзаларида коловраткаларнинг турли-туманлиги билан характерлансада, қисқичбақасимонлар биомассаси жихатидан доминантлик қилди.

9. Баликчилик хўжаликларида балиқлантиришдан аввал зоопланктон организмларни табиий ҳолда кўпайтириш, балик чавоклари дастлабки зоопланктон организмлар билан озикланиши эвазига балик чавокларининг яшовчанлиги ошириш усуллари баликчилик хўжаликларига тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 29.08.2017.В.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА
НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

АБДИНАЗАРОВ ХАСАНБОЙ ХОЛИКНАЗАРОВИЧ

ЗООПЛАНКТОН ВОДОЕМОВ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

03.00.06 - Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент– 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/B104

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на научный совет веб-странице по адресу www.flora-fauna.uz и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный консультант: **Мирабдуллаев Искандар Мирботирович**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Изатуллаев Зувайдулло Изатуллаевич**
доктор биологических наук, профессор

Кучбоев Абдурахим Эргашевич
доктор биологических наук

Ведущая организация: **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится «28» февраля 2018 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.29.08.2017.B.52.01 при Институте Зоологии и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100053, г. Ташкент, ул. Багишамол, дом 2326. Актовый зал Института зоологии. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: info-zoology@academy.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии (зарегистрировано за №10). Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Багишамол, дом 2326. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Автореферат диссертации разослан «17» февраля 2018 года.
(реестр протокола рассылки №11 от «17» февраля 2018 года)


Д.А.Азимов
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.б.н., профессор, академик

Г.С.Мирзаева
учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.б.н., старший
научный сотрудник

Э.Б.Шакарбоев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней, д.б.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии) (PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Стремительное увеличение численности населения мира неизбежно приводит к росту объемов потребления сельскохозяйственных продуктов, в том числе рыб и рыбной продукции. Ограниченность водных ресурсов в условиях Узбекистана, особенно кормовой базы для рыб, требует иного подхода к зоопланктону естественных и искусственных водоемов, то есть их следует рассматривать как эффективную кормовую базу для развития рыбной отрасли. В связи с этим, оценка перспектив использования зоопланктона водоемов в качестве естественного корма для рыб и разработка мер по повышению продуктивности водоемов являются актуальными задачами.

Научные изыскания по выращиванию рыбы как товарной продукции во всем мире направлены прежде всего на определение видового разнообразия зоопланктонных организмов, составляющих основную часть гидробионтов и промышленного использования их экономически значимых видов. Следует отметить, что 85-90 процентов пищи мальков и 40-45 процентов пищи взрослых особей состоит из зоопланктона. Этим и обусловлена необходимость обоснования возможностей его использования для развития рыбоводства в различных территориях и внедрения в интенсивное производство. Вместе с тем, зоопланктонам, их распространению в различных биотопах, разнообразию и динамике биомассы присущи сезонная изменчивость, что требует адекватной оценки видового разнообразия зоопланктонных организмов в водоемах конкретных природно-географических территорий и перспективы их использования. Исходя из этого, важное значение имеет задача выявления видового состава зоопланктона разнотипных водоемов Ферганской долины и их распространения в биотопах, обоснование качественной и количественной сезонной динамики и широкое применение его в рыбоводстве.

В настоящее время в республике уделяется особое внимание коренному совершенствованию системы управления рыбной отраслью, развитию рыбоводства в целях обеспечения населения качественной рыбой и рыбной продукцией, расширению работ племенных хозяйств и увеличению объемов производимой в них рыбной продукции. В этом направлении достигнуты значительные результаты по разведению, выращиванию товарной рыбы, расширены работы по их переработке и внедрены современные методы выращивания рыб. Вместе с тем, имеется потребность в проведении научных работ по развитию кормовой базы для рыбной отрасли, использованию биологических возможностей зоопланктонов естественных и искусственных водоемов для обеспечения рыбных хозяйств натуральными, дешевыми и качественными кормами и получению на их основе научно обоснованных результатов. В постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №845 от 18 октября 2017 года «О мерах по укреплению кормовой базы отраслей животноводства и рыбоводства»

определена задача «укрепления на системной основе кормовой базы отраслей, стабильного обеспечения животноводческих, рыбоводческих хозяйств и организаций высококачественными кормами».¹ Исходя из этой задачи, важное научно-практическое значение приобретает определение зоопланктонных организмов в естественных и искусственных водоемах Ферганской долины, оценка их сезонной изменчивости и значение в водной экосистеме, использование зоопланктона в качестве корма для рыб и разработка конкретных мер по повышению продуктивности водоемов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 07.02.2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-2939 от 01.05.2017 г. «О мерах по совершенствованию системы управления рыбной отраслью», постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан 719 от 13.09.2017 г. «О мерах по комплексному развитию рыбной отрасли» и 845 от 18.10.2017 г. «О мерах по укреплению кормовой базы отраслей животноводства и рыбоводства», а также другими нормативно-правовыми документами принятыми в данной сфере.

